


Абу Тоҳир Муҳаммад ибн Аҳмад



11:00 / 17.01.2021 1430

Имом, ҳофиз, ривоятлари собит Абу Тоҳир Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Али ибн Ҳамдон Хуросоний. Илм талабида юрт кезганлар.

Ҳоким ибн Баййиъга шогирд тушганлар ва таҳсил олганлар.

Ҳофиз Абу Бакр Жавзақий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Муҳаммад Тирозий, Абу Ҳусайн Хаффоф, Жаъфар ибн Фаннокийдан Райда, ҳофиз Аҳмад ибн Али Сулаймонийдан Пойкандда, Муҳаммад ибн Аҳмад Ғунжор, Абу Саъд Идрисийдан Самарқандда, Али ибн Муҳаммад ибн Умар Моликийдан Райда, Абул Фазл Муҳаммад ибн Ҳусайн Ҳаддодийдан Марвда ҳадис эшитганлар.

У кишининг бир неча асарлари бор бўлиб, “Туруқу ҳадиси тойр” шулардан биридир.

Бу кишидан 441 йилда Абу Саъид Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳусайн Найсобурий ҳадис эшитганлар.

Вафотлари тўғрисида менда аниқ маълумот йўқ. Лекин Саломосийдаги мажлисларнинг бирида у кишидан ривоят қилинган ҳадисни «Тазкиратул ҳуффоз»да келтирганман.

Бизга Ҳамзанинг ўғиллари Сулаймон ва Муҳаммад эшитган ҳолда хабар бердилар. Уларга Муҳаммад ибн Абдулвоҳид, у кишига Муҳаммад ибн Маккий, у кишига ҳофиз Муҳаммад ибн Абу Бакр, у кишига Муҳаммад ибн Тоҳир, у кишига Муҳаммад ибн Абдулвоҳид Райда, у кишига Муҳаммад ибн

Аҳмад ибн Али ибн Ҳамдон, у кишига Муҳаммад ибн Маккий, у кишига Муҳаммад ибн Юсуф хабар берганлар. У кишига Муҳаммад ибн Исмоил, у кишига Муҳаммад, у кишига Муҳаммад ибн Ваҳб, у кишига Муҳаммад ибн Ҳарб, у кишига Муҳаммад ибн Валид Зубайдий айтиб берганлар. У кишига Зухрий Урвадан, у киши Зайнаб бинти Абу Саламадан, у киши Умму Саламадан ривоят қилганлар:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишининг уйларида бир чўрини кўрдилар. Унинг юзида доғ бор эди. Шунда у зот: «Унга кўз тегибди, дам солинглар», – деган эдилар».

Бу ҳадис ғариб, фард. Санадида ўн беш нафар Муҳаммад исмли ровий кетма-кет келтирилган.

«Машҳур даҳолар сийрати» китобидан